


Индонезия XI халқаро Қуръон мусобақасига мезбонлик қилади



08:00 / 10.03.2019 1691

2019 йилнинг 11-15 март кунлари Индонезияда Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч океани (АСЕАН)нинг бошқа мамлакатлари учун XI халқаро Қуръон ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари мусобақаси ўтказилади. Бу ҳақда ajel.sa сайти хабар беради.

Мазкур мусобақа Индонезия Президенти Ёко Видодоннинг кўмаги ва Султон ибн Абдулазиз номидаги хайрия институти ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Мусобақа Қуръони карим ва ҳадис бўйича икки йўналишда ўтказилади. Унда Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч океани давлатлари фуқаролари қатнашадилар. Биринчи учта жой вакиллари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиб, ҳажга йўлланма берилади.

АСЕАН номи билан танилган Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари иттифоқи, асосан сиёсий, иқтисодий ва маданий ташкилот ҳисобланади. Унинг таркибига Тайланд, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Филиппин, Бруней, Вьетнам, Лаос, Мянма, Камбоджа каби давлатлар киради.

Islom.uz портали таҳририяти